

## АЁЛЛАР БОШ КИЙИМИДА БЕЗАК ТУРЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИКУВ БУЮМЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДА ҚЎЛЛАШ

М25-18 гуруҳи магистранти О.Н.Бахромова  
Илмий раҳбар т.ф.д., проф. С.Ш.Ташпулатов

**Аннотация.** Данная статья посвящена исследованию национальных орнаментов, используемых при художественном оформлении мужских и женских головных уборов (тюбейки) и разработке способов их применения при проектировании современных швейных изделий различного ассортимента.

**Annotatsiya.** Ushbu maqola erkaklar va ayollar bosh kiyimi (do'ppisi)ni badiiy bejashda foydalaniladigan milliy ornamentlarni tadq'iq' q'ilishga va ilmiy natigalarni turli assortimendga mos bo'lgan zamonaviy tikuv buyumlarini loyihalashda q'o'llash usullarini ishlab chiq'ishga bag'ishlangan.

**Abstract.** This article is devoted to the study of national ornaments used in the decoration of men's and women's hats (tyubeyki- skullcap) and the development of methods for their use in the design of modern garments of various assortments.

Миллий либосларимиз-у, нақшинкор дўппиларимиз ўзбукнинг бек йигитларини кўркига кўрк ва гул кизларжонларининг иффати-иффат қўшиб туриши ўзимиз туриб, чет элларга ҳам сир эмас. Кўча куйда дўппи кийиб сочларини қирқ кокил қилиб ўриб миллийча юрган киз қаерда-ю, замонавий узун сочларига тиг теккизиб сочини ёйиб олган киз қаерда? Бош устига бобо-момоларимиздан қолган анъаналаримизни давом эттириш бизнинг бурчимиз. Келинг энди фахримиз бўлган дўппилар ҳақида сизларга баъфурча маълумот берамиз [1-4]. Дарҳақиқат, дўппи ёш-у қарига ўзига хос чирой бахш этади. Дўппи XIX асрда оммалаша бошлаган бўлиб қадимда Эрон ва Туркий халқлар орасида кенг тарқала бошлаган. Туркистон халқлари орасида (айниқса Ўзбекистон ва Тожикистон худудида) миллий кийим турига айланган. Бошқа халқлар дўппиларидан ўзбек дўппилари ўзига хос шакли, безаги билан фарқланади. Дўппи уч қисмдан: тепа (айлана ва тўртбурчак шаклида бичилади), кизак (гардиш шаклда) ва жияқдан тузилган, республиканинг турли жойларида турлича безатилади, қисмлари бирлаштирилганда турлича кўринишга эга бўлади. Дўппи асосан бахмал, сидирға шойи, сатин ип, ипак, зар иплар билан кашта тикиб тайёрланади. Эркаклар дўпписини тайёрлашда асосан қора сатин ёки бахмалдан фойдаланилади. Аёллар дўпписига шойи, бахмал, парча матолар ишлатилади. У бисер, майда металл ишланмалар билан безатилади. Бир қарашда уларни бир хил деб ўйлаймиз. Аммо юртимизнинг ҳар бир вилоятида турфа хил кўринишдаги дўппилар мавжуд.

Хозирги кунда замонавий ёшларимиз кийимларида миллий дўппиларимиздаги нақшларимиз тасвирланган устки кийимларни кийиш урфга кирмоқда. Бунга сабаб, улғайиб келаётган ёшларимиз онгида миллий маданий анъаналаримизни сингдириш ва улар ўртасидатарғиб қилишдир.


Бундан ташқари хозирги вақтда бир томондан, чел элда ўзбек миллий маданияти тарихига бўлган катта эътиборни ошганлиги бўлса [5-9], иккинчи томондан, хорижий мамлакатлардагт хамюртларимиз орасида бундан кийимларни кийиб юриш, бизнинг

миллийчилигимиз кенг ёймоқда ва бутун дунёга бу миллий нақшлар ўзбекларники эканлигини билдириб туради. Бунга мисол қилиб, турли хил юқори нуфузли қитъа мусобақаларида ва олимпиадаларида ғолибликка эришган юртдошларимиз миллий дўппиларимизни ва кийимларни кийган холда байроғимизни кўкларга кўтармоқда. Бу бутун оламга бизнинг миллийчилигимиз узоқ тарихга эга эканлигидан ва халқимиз тамонидан яратилган буюмлар илк маданият ўчоғларидан эканлигидан далолат беради. Бундан илхом олганимдан ушбу мақоламда ўзбек миллий дўпписининг нақшларидан бевосита фойдаланган тарзда замонавий кўринишдаги кузги, қишги, баҳорги мавсумларга мўлжалланган ўрта ёшли аёллар учун устки кийимларни лойихалашга ҳаракат қилдим. Бунинг учун ўзбек миллий бош кийимининг Тошкент-Фарғона услубидан фойдаландим. Чунки Тошкент-Фарғона дўпписининг нақшларининг такрорланмас кўринишлари, ранглари ва маънолари ёш ўзбек қизларининг чиройига-чирой, кўркига-кўрк қўшади (1-расм).

Кўришиб турибдики, бу дўппилар тўртбурчакли бироз конуссимон, тўрт томонида ҳам бир хил атиргул ғунчалари тасвирланган.



1 –расм. Аёлларга мўлжалланган дўппи.



2-расм. Дўппи нақшларини замонавий кийимларни безатишда қўллаш (лавҳа)

Хулоса қилиб, ушбу дўппиларни шакллари ва нақшларини ўрганган ҳолатда куз, қиш ва баҳор мавсумларига мос бўлган ўрта ёшли аёллар учун мўлжалланган кенг бичимдаги устки кийимларга миллий дўппиларимизнинг нақшларини янгича кўринишга келтириб, замонавий усқуналар ёрдамида безак берилиб устки кийимни лойихалаш ва ишлаб чиқаришда қўллаш имконияти яратилди (2-расм).

#### Адабиётлар рўйхати:

- 1.С.Булатов. Ўзбек халқ амалий безаги санъати. “Санъат”, Тошкент. 2004.
- 2.Д.Муродова. Ўзбекистон дўппилари. “Санъат”, Тошкент. 2002.
3. М. Ақромхўжаева, Р. Ақромхўжаева. Зардўзлик. “Ўқитувчи”, Тошкент. 2002.
- 4.А. Григорьева. Большая книга рукоделия. “Академия”, Москва. 2008.
- 5.ClarkRuby. Central Asian Ikats: From the Rau Collection. – London - New-York: V&A Publications; Distributed in North America by Harry N. Abrams, 2007. - 96 p., 66 color plates.
- 6.Fitz Gibbon, K. and Hale A. Ikat: Splendid Silks of Central Asia. The Guido Goldmann Collection. - London: Laurence King Publishing Ltd, 1997. - 208 p.
- 7.Harvey Janet. Traditional Textiles of Central Asia. - New York, N.Y.: Thames & Hudson, 1996. - 160 p., 262 ill., and 2 maps.
- 8.Kalter Johannes and Pavaloi Margareta. Uzbekistan: Heirs to the Silk Road.London: Thames and Hudson Ltd., 1997. - 360 p., 712 ill.
9. Hale Andy, Fitzgibbon Kate. Ikats: Woven Silks From Central Asia: The Rau Collection. - Oxford: Basil Blackwell, 1988. - 92 p.